

Герберт Долишнинг фикрича, анави имиллаган офитсиант киз бўлмаганида у котилга айланмаган бўларди.

Поезд кетишига ўн дакика колганида очликдан корни сурнай чалаётган Герберт стантсия тамаддихонасига кирди. Офитсиант киз судралиб кадам босиб унинг олдига келди, Долиш эса жойида ўтиролмас, тинмай соатига қарарди. Унга таом келтиришганида поезд кетишига бор-йўги икки-уч дакика колганди.

Чойни чала-чулпа хўплаган Герберт перронга ўқдек етиб келди, аммо поезд жойидан силжиган ва у одатда йўловчи хамрохлар билан карта ўйнаб кетадиган вагон анча олдинда эди.

Ажойиб карта ўйини хақидаги фикрдан воз кечган Долиш сўнгги вагонга зўрга осилиб чиқиб олди.

У юк халтасини оркасига осганча ягона йўловчи ўтирган купега кирди. Йўловчи башанг кийинган, бўйинбоғ таккан олифта эди. Олифта Долишга бир сидра кўз ташлагач, юриб кетаётган поездга сакраб чиқиш хавфли эканлиги хақида мингирлади. Кейин эса Долишдан фаркли ўларок кетаётган поездга сакраб чиқолмаган ва гилдирак остида қолиб кетган аллакандай Томас Биггс хақида батафсил хикоя қилди.

Бу пайтда котиллик қилиш хаёлида йўқ бўлган Герберт олифтага тикилиб турарди. У ахмок одамларга тоқат қилолмасди, рўпарасидаги хамрохи унга ана шундай ахмоклардан биридек туюлди. Аммо у карта ўйнашни тақлиф қилгач, Долиш қувончдан сакраб юборишига сал қолди. У ашаддий картабоз бўлгани учун бу тақлифга дарров рози бўлди. -Менда карта бор, -деди Герберт кўлини чўнтагига солиб. Бармоқлари каттик нарсага урилди. Долиш чўнтагидан тўппонча чиқарди. -Кўркманг, -деди у қулимсираб ва қуролни стол устига қўйди. -Мен талончи эмасман. Бугун тасодифан сотиб олдим. Махаллий тирда тўппончадан ўқ отиш бўлими очилганди. Ишонаверинг, бу жудаям зўр спорт. Хамрохи бош иргади.

-Майлими, -деди у ва тўппончани кўлига олиб томоша қилди. -Зўр қурол! Жин урсин, ўқланган экан!

-Хм... ўқ ҳам сотиб олгандим, аммо ташвишланманг. Хўш, нима ўйнаймиз? «Олтмиш олти»ни биласизми?

-Ха, ўйнаганман. Ҳеч эсимдан чиқмайди, бир марта...

Герберт карта тарқатишни бошлади.

-Қанчадан тикамиз? -сўради у.

-Беш шиллингдан тикамиз, бўладими?

Долиш ажабланди. Одатда у бунчалик катта пулдан ўйнамасди, аммо ўз тажрибасига ишониб тақлифга эътироз билдирмади.

Гербертга рўпарасида ўтирган бўйинбоғли олифта шунчаки хаваскор эмаслиги тез орада аён бўлди. У карталарни эпчиллик билан аралаштирар, тарқатарди.

Долиш ютказа бошлади. Беш шиллинг, ўн, ўттиз беш, эллик... У олти фунт ютказиб қўйди.

Асабийлашганидан юзлари кизариб кетди. У энди ютиш учун астойдил ўйнай бошлади.

Аммо поезд Четемга етиб келгунча қирқ беш фунтдан айрилди. Пулини қандай қилиб бўлса ҳам қайтариш мақсадида Долиш ўйинни давом эттирди. Ваҳимадан унинг юраги така-пука бўлаётганди. Унинг омади келмас, тинмай ютқазарди. Бугун қарзлари учун пул тўлайдиган қун. Хозир ютқазаетган пуллари айнан қарзни тўлашга мўлжалланганди... Етмиш фунтни бой бергач, Герберт ўзини орқага ташлади ва қалтироқ қўллари билан

пешонасидаги терни артди. Унинг ранги оқариб кетган, лаблари пирпираб учарди.  
-Афсуски,-деди у,-мен ўйинни давом эттиролмаيمان. Ёнимда бир шиллинг ҳам колмади.  
-Ростданми? Майли, ошна, омадингиз келмади. Афсус, ўйин зўр кетаётганди.  
-Менга каранг,-деди Герберт сохта табассум килганча,-биламан, илтимосим галати, лекин... ютган пулларингизни менга кайтариб бера оласизми? Кейин кайтараман, аммо хозир... Биласизми, мен...  
Картабоз унга кўз кири билан каради ва хохолаб кулди.  
-Койил! Уйга боришим билан хотинимга айтаман. Кулавериб ичаги узилиб кетса керак. Ютказдингизми, ошна, ютказдингиз. Мен сизга хайрия жамгармаси эмасман.  
-Илтимос,-ёлворди Долиш.-Мени нотўгри тушундингиз...  
-Сизга маслахатим, ошна, бу пулларни унутинг ва...  
-Кўлингизни кўтар!-хириллади Долиш тўппончасини ўкталиб.  
Айни дакикаларда ҳам у котиллик килишни ўйламаётганди. У шунчаки картабозни кўрkitиш ва ундан ютказиб кўйган етмиш фунт пулини кайтариб олишни хаёл килаётганди.  
Аммо олифта кутилмаганда Долишга ташланди. Долиш кўркиб кетиб тепкини босди. Картабоз худди латта-путта солинган копдек ерга кулади. Унинг пешонасидан тиркираб кон чикди.  
Долиш ўзига келди ва энди нима килиш кераклигини ўйлай бошлади.  
У жасадни поезддан улоктириб ташлаш учун энгашди ва унинг кўлида соат борлигини кўриб колди. Долиш соат милини оркага-ўнтакам олтига суриб кўйди. Жасад ерга тушганида зарбадан соат тўхтаб қолади ва политсия у бундан олдинги поездда ўлдирилган деб ўйлайди.  
У купе эшигини очди, жасадни улоктирди ва енгил нафас олди.  
Скотланд-Ярд инспектори Веннер Лондон электропоездига эрталаб саккизу киркда ўтирди. Купеда икки киши ўтирганди. Бир оздан сўнг улар Долишни хазил-хузуллар билан карши олишди. Ўн йилдирки тўрталаси ишга битта купеда, манзилга етгунча карта ўйнаб кетишарди.  
-Карта эсингдан чикмадимми?-кичкиришди хамрохлар.-Кеча кечкурун каерда эдинг?  
-Кеч қолиб кетдим,-деди Долиш.-Охирги вагонга зўрга чикиб олдим. Кеча соат бешдаги поездда юз берган котиллик хакида ўкидингларми?  
Долиш узатган картани санаётган Смит бош силкиди.  
-Бечоранинг боши мажакланиб кетибди. Веннер, газетада ёзилмаган бошка маълумотлардан ҳам хабаринг бордир?  
-кўп нарсадан хабарим бор, факат айтиб бўлмайдим,-деди инспектор.-Котиллик юз берганидан уч соат ўтгач, мени жасадни кўришга чакиришди.  
-Менга кара, Долиш,-деди Смит,-карта оз-ку. Машъум туз кани?  
Смит туз каргани шундай атарди.  
-Чўнтагимда қолиб кетибди, шекилли,-деди Герберт.  
-Чўнтақдалиги аник, факат сенинг чўнтагингда эмас,-деди кутилмаганда Скотланд-Ярд инспектори.-Адашмасам, мана у.  
Веннер шу сўзларни айтиб туз каргани стол устига кўйди.  
-Койил! Худди ўша етмаётган туз!-кичкириб юборди Смит.-Веннер, бу картани кандай килиб олиб кўйдинг?  
Веннер Долишга каради.  
-Жаноб Долиш, -деди у Гербертнинг елкасига кўлини кўйганча,-канчалик огир бўлмасин,

мен сизни хибсга олишим шарт. Бу туз ўлдирилган шахснинг кийими енгидан топилган...

Русчадан Дилшодбек Аскарлов таржимаси.